

Ғийбатнинг сабаблари ва ундан қутулиш учун муолажалар (1-қисм)



16:02 / 09.05.2018 3864

Билиш лозимки, инсондан содир бўладиган ғийбатнинг бир неча сабаблари бор. Ўша сабаблардан бирортаси топилса, аксар ҳолларда ғийбат вужудга келади. Инсон ғийбатдан қутулиш учун аввало ғийбатга олиб борадиган сабаблардан сақланиши лозим. Шунинг учун бу ўринда ғийбат сабабларини бирма-бир ёзмоқдаман. Ҳар бир сабабни зикр қилгандан сўнг ўша сабабни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳамда муолажасини ёзаман.

Биринчи сабаб: ғазаб.

Киши кимдандир хафа бўлиб, ғазаб қилса, кўпинча уни ғийбат қилиб қўяди. Бунинг бир қанча бандлари бор.

1. Дунёвий ишларда ғазаб қилиш.

Киши фалончи одам уни сўккани ёки ғийбат қилганини эшитса, шайтон дилига ўт ёқиб, ундаги ғазабни ғалаёнга келтиради. Натижада ўзи ҳам ҳақиқатни текширмай туриб, ўша одамни сўкиб ёки ғийбат қилиб юборади.

Ҳадис. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «**Ким тилини сақласа, Аллоҳ унинг авратини** (маънавий ва моддий айбларини) **яширади. Ким ғазабини тийса, қиёмат куни Аллоҳ аzza ва жалла ундан Ўз азобини тияди. Ким Аллоҳга узр айтса, Аллоҳ аzza ва жалла унинг узрини қабул қилади**».

Ушбу банднинг муолажалари. Бу бандни муолажа қилишнинг бир қанча кўринишлари бор.

Биринчи муолажа. Биринчи кўриниш шуки, гап ташиган кишини ёлғончи деб ҳисоблаш лозим. Зеро, фалончи сизни сўккани ҳақидаги хабарни етказган киши чақимчидир. Шариатда эса чақимчининг бирор сўзи эътиборга олинмайди.

Насиҳат. Фақиҳ Абу Лайс раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бир инсон сенга: «Фалончи сен ҳақингда шундай-шундай деди» деб хабар берса, олтита иш қилишнинг лозим бўлади:

1. Чақимчининг гапини тасдиқлама, яъни рост деб билма. Чунки чақимчи – мусулмонлар наздида гувоҳлиги рад этилган кишидир.
2. Уни бу ишдан қайтар, чунки мункардан (ёмон ишдан) қайтариш вожибдир.
3. Уни Аллоҳ учун ёмон кўргин, чунки у осийдир. Осийни ёмон кўриш эса вожибдир, чунки Аллоҳ ҳам уни ёмон кўради.
4. Унинг гапи сабабли ёнингда бўлмаган биродаринг ҳақида ёмон гумон қилма, чунки мусулмон ҳақида ёмон гумон қилиш ҳаромдир.
5. Унинг гапига ишониб, биродарингга жосуслик қилма, яъни унинг айбларини излама. Зеро, Аллоҳ таоло жосусликдан қайтарган.
6. Чақимчининг сенга ёқмайдиган ишини ўзинг ҳам қилма, у чақимчининг олиб келган хабарини бошқаларга айтмаслигингдир.

Ҳикоя. Халифа Сулаймон ибн Абдулмалик имом Зухрий билан ўтирган эди, бир одам кириб келди. Сулаймон унга: «Менга етган хабарга кўра, сен мени ғийбат қилиб, шундай-шундай гапларни айтибсан», деди. У одам:

«Бундай қилганим йўқ. Сиз ҳақингизда бирор гап айтмаганман», деди. Сулаймон: «Менга буни айтган одам ростгўй, тўғрисўз киши», деди. Шунда Зухрий раҳимаҳуллоҳ: «Чақимчи ростгўй бўлмайди», деди. Буни эшитган Сулаймон имом Зухрийга: «Тўғри айтдинг», деди, нариги одамга эса «Сен саломатлик билан кетавер», деди.

Насихат. Ҳозирги одамларнинг ҳолатлари ажойиб. Ёлғончилиги билан машҳур бўлган киши ҳам: «Фалончи сени сўкди», деса, унинг гапини рост деб ўйлайди. Унинг гапига ишониб, муслмон биродарига адоват қилади. Чақимчи билан эса яна шундай гапларни етказиб туриши учун дўстлашади. Одамлар чақимчини пайғамбардек ростгўй деб билганига ҳайронман. Агар у хабарларни етказмай қўйса, «Нима гаплар бўлаётганини менга айтиб туринг» деб, ундан илтимос ҳам қилади. Аёли бирорта ўтиришдан келса, уни ҳам: «Одамлар биз ҳақимизда нима деяпти?» деб сўроққа тутаяди. Агар аёлидан одамлар уни мақтаганини эшитса, хурсандликдан семираиб кетади. Аксинча, бирор одам уни ёмонлаганини айтса, аёлининг гапини ваҳийдек қабул қилади ва ёмонлаганларни ғийбат қилишни бошлаб юборади.

Аллоҳ таоло уларни тўғри йўлга бошласин! Сироти мустақимда юргизсин!
Бизни эса бундай айблардан сақласин!

Саъдий раҳимаҳуллоҳ айтади:

Агар нодон ба ваҳшат сахт гўяд,

Хирадмандаш ба нармий дил бижўяд.

В-агар бар ҳар ду жониб жоҳилонанд,

Агар занжир бошад, бигусулонанд.

Назмий маъноси:

Агар нодон қаттиқ сўзлабон қопар,

Доно юмшоқ сўзлаб, кўнгилни топар.

Агар жоҳил бўлса, ҳар икки томон,

Занжир бўлса агар узар бегумон.

Насрий баёни: Агар нодон одам ваҳшат (ваҳшийлик) сабабли қаттиқ гап гапирса, ақлли одам юмшоқлик билан унинг дилини топади. Агар иккала томон ҳам нодон бўлса, ораларида занжир бўлса ҳам узиб юборадилар.

Иккинчи муолажа. Бирор киши сен ҳақингда ёмон гап айтганини эшитсанг, «Менда айб бор эканки, у мени ёмонлабди», деб ўйла. У одамнинг сен ҳақингда айтган гапини тўғри деб ҳисоблаб, ундан ўч олиш, сўкиб ғийбат қилиш ўрнига ўзингни айблардан поклашга ҳаракат қил.

Учинчи муолажа. Сени кимдир ёмонлаганини эшитсанг: «Фалончи биродарим мен ҳақимда шу ёмон гапни айтган бўлса, демак, мендан унга бирор азият етган бўлса керак-да», деб ўйлашинг лозим. Унинг устидан шикоят ва ғийбат қилиб, яна қўшимча азият етказиш ўрнига олдинги азиятни кетказиш учун унга бирор яхшилик қилиб, кўнглини ол. Шунда унинг кўнгли аввалги ҳолига қайтиб, ундаги ранжиш йўқ бўлади.

Тўртинчи муолажа. «Фалончи одам бизни ёмонлаган бўлса, бесабаб гуноҳ қилибди. Аллоҳ таоло унинг гуноҳини кечирсин. Агар биз ҳам уни ғийбат қилсак, у лойиқ бўлган жазога биз ҳам лойиқ бўлиб қоламиз», деб айт.

Ҳикоя. Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳга «Фалончи сизни ғийбат қилиб, ёмонлади» деган хабар етиб келса, ёмонлаган одамга (уни учратиб қолганда) ниҳоятда мулойим муомала қилар эдилар.

«Ғийбат ўзи нима?»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов

